



Farqona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta



<http://farhaqiqat.uz/>



t.me/farhaqiqati

МУҲАММАДЖОН ОБИДОВ “ОЛТИН ҚАЛАМ”ЛИ БЎЛДИ!

Ўзбекистон Журналистлар уюشمаси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Олтин қалам” XVII миллий мукофоти учун халқаро танловда ҳар йилгидан кўп – 500 дан зиёд ОАВ вакиллари 4 мингга яқин ижодий ишлари билан иштирок этди.

Танловнинг бу йилги совриндорлари сафида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Фарғона вилоятидаги махсус мухбири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Муҳаммаджон Обидов ҳам бор. У “Олтин қалам” халқаро танловининг “Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар энг яхши ёритилган материаллар учун” номинацияси бўйича рағбатлантирувчи мукофоти билан тақдирланди.

“Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газеталари таҳририяти жамоаси Муҳаммаджон Обидовни юксак эътироф билан муборакбод этади!




Оналарга эҳтиром



2-БЕТ

“ЙЎҚОТГАНЛАРИМ ТОПГАНИМДАН БИСЁР”

4-БЕТ



ВИРУС ҲАМОН ЎНИМИЗДА

3-БЕТ



ШИРИН ҚОВУНЛАР ҚИШЛОҒИ

2-БЕТ

ҲУНАР – КЎККА ЕТКАЗАР

5-БЕТ

Оналарга эхтиром

ҚАНЧА ПАҲЛАВОННИ ОЁҚҚА ҚЎЙГАН,
БАҲОДИР АСЛИ У ЭМАСМИ АХИР!

Толенигни баланд қилсин, қодир Оллоҳ, алла, Имони бутунга доим ёрди Оллоҳ, алла!

Таниш нола. Мен 30 йил аввал эшитган оҳанг бу. Қизик, дунёда фарзанди бошида алла айтмаган она бормикин ўзи?! Алла ҳуморида тамшаниб ётган гўдакни кўриб, кўзинг қувнайди-я. Меҳрнинг таъмини тотяпти у. Шунга айтса керак-да, қаҳри қаттиқ одам ҳақида гап кетганда, онаси алла айтмаган унга, деб.

“Болалигимни эсласам, илиқ ёз кечалари ёдимга келади... Кун ботиши билан онам ҳовлига кўлоблатиб сув сепар, кунбўйи офтобда қизиган ер ҳиди супа олдидаги райхонлар исига кўшилиб, ажиб тароват таратар, атроф жимжит бўлиб қолар эди”. Мен кўриб улғайган бу гўзал манзара “Дунёнинг ишлари” китобида ҳам худди шундай ёзилган.

Қизик, нега энди ёзувчининг онаси ҳақидаги хотираларини муталаа қилган одам ўз оназорини соғиниб, кўзларига ёш олади? Ахир, у ўқувчига етти ёт бегона-ку. Ҳатто бир бор кўрмаган ҳам. Лекин йиғлаган сари яйрайди, кўнгли бўшайди. Назаримда, сабаби оддий: онанинг бегонаси бўлмайди. Уларнинг ҳаммаси бир хил: меҳрибон, бағрикенг, самимий.

Дунёдаги энг содда, энг буюк аёл у. Чунки бу нозик хилқат ОНАга айланганда катта қудрат эгаси бўлади. Нафақат руҳиятида, балки жисмида ҳам куч-қувват яширинган унинг. Ҳикматда таъкидланганидек, “Аёллар кўп, она ягона”. Ўзи баҳодир бўлмаган аёл полвонларни дунёга келтириши қийин. Ўзи даҳо бўлмаган аёлдан навоийлар туғилмайди-ку. Халқимизнинг минг йиллик нақли бор ахир: “АЛП – ОНАДАН”. Агар улар қаддини букмаганда биз қоматимизни адл тутмаган бўлардик. Бутун дунё, олам, жамият бош эгишга муносиб бўлган зот, бу – ОНА.

Доғистон шоири Расул Ҳамзатов ёзганидек, “Дунёда хизмат кўрсатган ва хизмат кўрсатмаган, яхши ва ёмон одамлар бор, лекин хизмат кўрсатмаган она йўқ”. “Темур бешигини бедор тебратган”, шоҳ Бобурга тўғри йўлни кўрсатган Тақинабегим-у Қутлуг Нигорхоним, Бибихоним-у Нодирадир у.

Кимлар шеър, дoston, романлар битмаган унга. Лекин у ҳақида ёзилганларининг бари тоза, самимий, рост.

Мен ҳам кўнглимдан сирқираб тўкилган туйғула-

Уйимизнинг томида эскирган бир бешик бўларди. Укаларим, синглим, мен ётган бешик. Яқинда ота уйга борсам, супада турибди у. Ичида укамнинг боласи... Бешикни тебратаётган аёл ўша-ўша – менинг ОНАМ...



римни қоғозга тушириб, ожиз қаламим билан Сенинг мадҳингни битгим келди, ОНА!

*Ожиза десалар келади гашим,
Муштипар сўзи ҳам энг ўтмас таъриф.
Ўткир нигоҳларинг қаршида жим,
Муқанна, Кубролар борар улғайиб!*

*Жонини гаровга қўйиб бўлса-да,
Фарзанд кўрмоққа У топа олган куч.
Гулга мензайман, нега деганда,
Юрагида ётар ялтиллаб “қилич”.*

*Нозик хилқат эмас, буюк хилқат У,
Ер-кўк ўртасидаги Ҳақиқат У.
Этагин ушлаган болаларини
Улуг йўлга элтаётган Миллат У.*

*Мушфиқ демокликка бормикан асос,
Қошинда сўзларнинг барчаси сағир.
Қанча паҳлавонни оёққа қўйган,
Баҳодир асли У эмасми ахир.*

*Унинг исми Меҳр, Жасорат, Виждон.
Ўн олти етимга “аяжон”, “мама!”
Оёғига ташла ўзингни, дунё,
Бошингни кўтарма...*

*Шу қудрат олдидан тиз чўккан сарим,
Пойи Каъба бўлиб туйилар менга!
Оналарни асра, асролмасанг гар
Ҳаёт, ишонмайман ҳаётлигинга!..*

Гўзал ОХУНОВА.

Азалдан суяги меҳнатда қотган бесаранглик миришкор деҳқонлар томонидан етиштирилаётган, мазаси тилни ёрадиган қовунлар ва полиз экинлари нафақат маҳаллий, балки қўшни ўлкалар аҳолисини ҳам бирдай баҳраманд қилиб келмоқда.

Тошлоқ туманида халқимизнинг ўзига хос деҳқончилик мактаби яратилган десак муболаға бўлмайди. Ҳар галгидек ёз фасли бошланмасданок Бесаранг қишлоғида қовуннинг эртапишар “Докора-Ф1” нави етиштирилиб, элимиз дастурхонига тортиқ этилди.

Маҳалладошларига биринчи бўлиб, бу полиз маҳсулотини экиш, парваришlash агротехникасини шу ерлик Ҳамдамали Бойзақов ўргатган. Ўн йилдан ортиқ фурсат ўтди ҳамки, қишлоқнинг фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда аҳоли томорқаларида қовунчилик анъанаси тўхтагани йўқ. Бесарангликларнинг қовуни бетакрор таъми, мазаси, шифобахшлиги ва витаминларга бойлиги билан ажралиб туради.

– Маҳалламизда 754 та хонадон мавжуд. Миришкор деҳқонларимизнинг меҳнати ва қалб кўри билан 35 гектардан ортиқ томорқаларда парваришланган турли навдаги қовунлар жуда харидорғир. Шу боис, ҳар йили ушбу маҳсулотлар қўшни республикаларга катта миқдорда экспорт қилинади. Харидорлар пайкал бошида савдолашиб, деҳқоннинг чўнтагини мўмайгина даромадга тўлдирди, – дейди “Бесаранг” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилмурод Қосимов.

Бу йил дастлабки ҳосил қишлоқдаги Абдулҳамид Бакиров хонадониде етиштирилди. Оила аъзолари ҳам-жиҳатликда 6 йилдан буён қовун етиштириш билан шуғулланиб келади.

– 10 сотих томорқамизнинг ҳар бир



қаричидан унумли фойдаланамиз. Йилдан-йилга тажрибамиз ортиб, маҳсулот етиштириш ҳажмини оширяпмиз, – дейди хонадон соҳибига ҳар ишда елкадош бўлиб келаётган Дилфузахон ая Мадраҳимова. – “Ерни боқсанг, ер сени боқади” деган гап айни ҳақиқат. Ҳалол меҳнат эвазига ердан топилган даромад сабабли фарзандларим ўқимишли бўлди. Ўтган йилги 35 миллионлик фойдадан олийгоҳда ўқиётган келинимнинг 2 йиллик шартнома пулини тўладик. Бу йил ҳосилимиз чўғи 50 миллионга етади, чамамда. Яхши ниятлар билан набираларимга тўй қилмоқчимиз.

Уста деҳқон Абдулҳамид отанинг билдиришича, туманда йилнинг фев-

раль ойиданоқ қовун парваришига киришилади. Қаҳратон қишда аввалига уруғлар маҳсус идишларга экилиб, иссиқхона шароитида ўстириб олинади. Бўйи меъёрига етган кўчатлар кенг майдонга плёнка остига экилади. Кунлар исши билан палаклар баравж ривожланиши учун ниҳоллар усти очилади. Бу усулни қўллаш орқали эрта ҳосил олиш имконияти ошади.

Юқори агротехник тадбирлар натижасида Бесаранг қишлоғида етиштирилган тилими тилерар ва харидорғир қовунлар айни кунларда бозорларимизни тўлдириб турибди.

Муаттар МАҲМУДОВА.

ШИРИН ҚОВУНЛАР
ҚИШЛОҒИ

ОГОҲ БЎЛГАН ЯХШИ

ПАНДЕМИЯ ТУГАТИЛДИ, БИРОҚ ВИРУС ҲАМОН ЁНИМИЗДА

2019 йилда Хитой давлатида қайд этилган коронавирус, яъни "тождор" вирус инфекцияси бир неча миллионлаб инсонлар соғлиғига раҳна солди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, дунё бўйича шу кунга қадар 765 миллион киши ушбу касаллик билан оғриди. Уларнинг 7 миллиони вафот этган бўлса, жуда кўпчиликда асорат қолдириб кетди.



Экспресс таҳлиллар натижасида мусбат натижа қайд этилган заҳоти бемор шифокор назоратида олинади, ҳолатига қараб амбулатор шароитда ёки шифохонага ётқизиб даволанади. Касалликни бартараф этиш учун вилоятимизда барча дори-дармонлар захира-си яратилган. Зарурий куч ва воситалар сафарбар этилган. Шифохоналарда захира ўринлари яратилган. Ҳар бир шифо ўринлари зарурий аппарат ва кислород тизими билан таъминланган.

Яқинда дунё бўйлаб коронавируснинг ўткир босқичи тугаганлиги, ўлим ҳолати 95 фоизга камайганлиги, профилактик эмлов ишлари 90 фоизни ташкил этганлиги, диагностика ва даволаш ишларининг яхшилангани инобатга олинаиб, 2023 йилнинг 5 май куни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти раҳбари Тедрос Гебрейесус "Covid-19" пандемиясининг бекор қилинганини эълон қилди. Шунингдек, вируснинг "омикрон" тури мутацияси, яъни бошқа вирусларни келтириб чиқариши ва унинг тарқалиш хавфи, ўлим кўрсаткичларини камайтириш, узоқ муддатли профилактик ҳамда тарғибот чора-тадбирларини давом эттириш мақсадида ташкилотнинг икки йиллик дастури ишлаб чиқилди.

Коронавирус пандемияси тугагани касаллик хавфининг тўлиқ чекинганини аниқламайди, албатта. Вирус бундан кейин ҳам сақланиб қолади. Давлатлар худди бошқа юқумли касалликлар сингари ушбу хасталик билан ҳам мунтазам ва тизимли курашишга мослашиши керак. Ўз навбатида, дунё олимлари инфекциянинг янги мутацияларига қарши самарали дори воситаларини яратиш устида изланишни тўхтатганлари йўқ. Улар яқин истиқболда "Covid-19"га қарши самарадорлиги юқори янги дорилар яратилишини ишонч билан таъкидламоқда.

Касаллик эндиликда санокли сонларда кузатилади, жамоавий иммунитет шаклланганлиги сабабли худди бошқа инфекциялар каби батамом йўқ бўлмайди, юқумли касалликлар қаторида тарихда қолади.

Дилноза НУРИТДИНОВА,
Фарғона вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси ўта хавфли юқумли касалликлар бўлими мутахассиси.

Хўш, касалликнинг биринчи тўлқинида нега оғир аҳволдаги беморлар сони кўпайди, кетма-кет ўлим ҳолатлари рўй берди. Бу инсонларда касалликка қарши иммунитетнинг йўқлигидан эди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясига кўра, бутун дунё олимлари вирусга қарши вакцина ишлаб чиқиш чораларини кўрди, бунга эришилгач, аҳолини эмлаш ишларига жадаллик билан киришилди. Бу жараёнда дунё аҳолисининг 66 фоизи эмланди.

Касалликни даволаш ва унга қарши курашиш ишлари республикамизда ҳам жадал суръатларда олиб борилди. Пандемия сабаб жорий этилган карантин чора-тадбирлари натижасида касаллик билан оғриш, ўлим ҳолатлари камайиб борди, карантин қоидалари аввал юмшатилади, сўнгра тугатилди.

Эмлаш ишлари натижасида аҳоли ўртасида корона-вирус инфекциясига қарши жамоавий иммунитет шаклланганлиги ҳам касалликнинг энгил кечишига сабаб бўлмоқда. Республикамиз аҳолисининг 95 фоизи

тўла эмлангани инсонларнинг ўз соғлиғига безътибор эмаслиги далolatидир.

2023 йилнинг тўрт ойи мобайнида дунё бўйлаб 2 800 000 та касаллик қайд этилган бўлиб, 17 000 нафар бемор вафот этган. Бу кўрсаткич Америка Қўшма Штатларида — 392 000, Корея Республикасида — 330 000, Японияда — 251 000, Ҳиндистонда — 222 000, Францияда — 197 000 нафарни ташкил этади.

Худди шунингдек, республикамизда ҳам коронавирус ҳамон "яшамокда". Ўтган тўрт ой давомида вилоятимиз бўйича 119 та касаллик аниқлангани бунинг яққол исботидир.

Вирусга қарши чора-тадбирлар бир муддат бўлсин тўхтагани йўқ. Айни чоғда бошқарманинг Фарғона, Қўқон, Қувасой шаҳарлари, Фарғона, Олтиариқ, Бағдо, Бешариқ туманларидаги ҳудудий бўлимлари қошида лабораториялар тўлиқ иш фаолиятини давом эттирмоқда. Аҳолини вакцина билан эмлаш жараёнлари олиб борилмоқда.



Бугун Марғилон шаҳрида жойлашган Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабида "Буюк элга энди даҳолар керак" мавзусида адабий анжуман бўлиб ўтади. Ижод мактаби ташкил этилганлигининг 5 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, республикамизнинг таниқли шоир ва ижодкорлари ҳамда истеъдодли ёшлар иштирок этади.

са, Эркин Воҳидов мемориал музейи бўйлаб ташкил этиладиган саёҳат анжуман қатнашчиларига бир олам маънавий озуқ бериши, шубҳасиз.

Устоз ижодкорлар ва Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирокидаги "Ижод боғи оқшомлари" лойиҳаси ҳам бўлиб

ИЖОД МАКТАБИДА АДАБИЙ АНЖУМАН

Тадбир доирасида улуг шоир руҳига ҳурмат бажо келтирилиб, унинг муҳташам ҳайкали пойига алвон гуллар кўйилади. Пойтахтдан ташриф буюрган меҳмонлар, адибнинг яқинлари ижод мактаби фаолияти, ўқувчиларнинг ўтган йиллар мобайнида эришган муваффақиятлари билан яқиндан танишадилар. Айниқ-

ўтиши кутилмоқда.

Адабий анжуман иштирокчилари, устоз адиблар ёш ижодкорлар тимсолида халқимизнинг ардоқли шоири иккинчи умрини яшаётганлиги, мактабда эртанинг ҳақиқий истеъдодлари улғаяётганлигига ишонч ҳосил қилишлари мумкин.

Ўз мухбиримиз.

ҲАРБИЙЛАР ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШДИ



Фарғона давлат университетининг хорижий тиллар факультетида "Уч авлод" учрашуви ташкил этилди.

Унда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари фахрийлари ҳамда ҳарбий хизматчилар талабаларга миллий армиямизнинг қудрати, соҳада олиб борилаётган ислохотлар, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларига яратилган шарт-шароитлар ва имтиёзлар ҳақида гапириб бердилар. Шу билан бирга, туғилиб ўсган юртга меҳр-садоқат туйғулари, она

Ватанни ҳимоя қилиш шарафли, олижаноб ва масъулиятли вазифа эканлигини айтиб ўтдилар.

Ёшлар вакиллари билан учрашув самимий руҳда ўтди. Тадбир сўнггида меҳмонлар университет музейига ташриф буюриб, олийгоҳ тарихига оид қизиқарли маълумотларга эга бўлдилар.

Б.ФАЙЗУЛЛАЕВ,
ҳарбий хизматчи.

Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур...

“ЙЎҚОТТАНЛАРИМ ТОПГАНИМДАН БИСЁР”

ёки Турсунбой ота Ортиқовнинг
сўнги иқрори
(Эссе)

“Хаёт инсонга бир марта берилади, уни шундай яшагинки, умринг афсус-надомат билан поёнига етмасин”, деган экан бир донишманд. Бу шунчаки йўлига айтилган гап эмаслигини, унинг замирида олам-олам маъно мужассамлигини англаш учун умр йўллари чалкаш инсонлар тақдирига бир нигоҳ ташлаш kifоя. Бу ёруғ дунёда бахтли-тахтли хаёт кечириётганлар кўп, қисматига кўниб яшаётганлар ҳам оз эмас. Улар бизни ҳаммаша оғоҳликни йўқотмай, ақл-идрок, тафаккур билан яшашга, бирни кўриб фикрда, бирни кўриб шукурда умргузаронлик қилишга даъват этиб туради.

... Бир қарашда бу маскан сукунат қўйнига чўккандек туюлади. Ховлида кўкка бўй чўзган, кучоқ етмас салобатли дарахтлар ҳам мунғайиб тургандек. Эрталабдан кечгача тиним билмай сайрайдиган қушлар нағмаси ғамгин қўшиққа ўхшайди.

Аллақандай сокинлик, қувончу изтироб, ғам ва шодлик қоришиб кетган ушбу гўшада турфа тақдирли одамлар яшайди. Уларнинг ўз олами, қизиқиши, хаётга муносабати ва энг муҳими, эртадан орзу-умидлари бор. Ана шу умидлар уларнинг дилига далда, юрагига қувват бўлаётгандир эҳтимол. Улар бу ерда бир-бирларига меҳр бериб, эҳтиром кўрсатиб, истиқомат қилишади.

Хаётнинг аччиқ-чучук дамларини бошдан кечирган, турмуш муштаридан ўзига яраша хулоса чиқарган бу мўйсафидлар билан суҳбатлашиш осон кечмайди. Улар ҳар кимга ҳам ўтмишини, юрагини кемираётган дардини “достон” қилавермайди. Психологларнинг “Бахтли яшашни истасанг, ўтмишингни титкилашни бас қил” деган иборасида ҳам бир хикमत бор, албатта.

Мана бу хонада беш йилдирки, Зайнабхон ая Сатторова (исм-шарифлар ўзларининг илтимосига кўра ўзгартирилган) шифтга термулиб ётади. Узи билан ўзи гаплашади, адоғи йўқ



хаёллар гирдобига чўмади. Ўтган умрини тафтиш қилса керак. Нима бўлганда ҳам, бу дунёда ҳеч кими, ҳатто юрагга оёғи йўқ онахоннинг кўп йиғлаганидан кўз ёши ҳам қуриб битган, дейишади бу ердагилар. Бунга асло ишонмайман. Инсон боласида кўз ёш қуримайди, фақат ташига эмас, ичига сизади. Юрагига зардоб бўлиб қуйилади, кўксига бир сиқим туз янглиғ катталашиб бораверади, бораверади...

Баъзида ҳамширалар уни ногиронлар арава-часида ҳовлига олиб чиқиб, сайр қилдиришади. Кўни-кўшнилари билан гаплашади. Кўм-кўк осмонга, теварак-атрофга жавдираб термулади, қараб тўймайди. Ҳамсуҳбат аёлнинг дардини тинг-

лаётгандек кўрингани билан, қулоғига ҳеч нима кирмайди. Бу кунлар тушим бўлсайди, дея ўзи ҳам ишонмаган ҳолда ўйлайди.

Айтишларича, онахон йигирма икки ёшида оила қуриб, ўн саккиз йилгача фарзанд кўрмаган экан. Турмушдан ажраб, ўзининг ота ҳовлисида яшаётган синглисининг уйига боришдан ўзга чора топмабди. Синглиси бевақт оламдан ўтгач, маҳалладошлари уни ўз жигарининг эрига унаш-тирмоқчи бўлишибди.

– Мен бунга рози бўлмай, шу ерларга келиб қолганман. Тўғри қилдимми ё адашдимми, ҳанузгача билмайман. Эҳтимол, жиянларимнинг бошини силаганимда, улғайтириб, уйли-жойли қилганимда

бу кунларни кўрмасмидим, – дейди онахон чуқур “ух” тортиб.

Унга далда бериш, ўксик кўнглини кўтаришга сўз тополмайман. Дардман ўз кўнглига ўзи таскин беради, дейишади. Зайнабхон ая ёстиққа суяниб, ўмганини кўтаради ва овози титраб, хижолат бўлгандек:

– Дунёда ҳар кимнинг дарди ўзига етарли. Кексалик-да, болам, сизнинг дилингизга ҳам ғашлик солдим, – дейди ҳазин товушда.

О, онажонима, ўзганинг ғамини бўлишига, юкини кўтаришга, дардига малҳам бўлишга ярамасак, қандай одам бўлди? Қирқ жонининг ўттиз тўққиз пораси ғамдан қорилган одамизод шодон кунларида фақат ўзини ўйлаши, бошига қулфат тушганда бир-бирига елка суяши, ияк тираши, бағир очиши, Аллоҳни эслаши, иймон келтириши шунданмикан? Яхшиямки, инсон боласи эртага нима бўлишини билмай яшайди, билганида шу заҳоти юраги “тарс” ёрилиб кетган бўлармиди?..

Деразаси қуёшга қараган шинамгина хонада етмиш ёшни қоралаб қолган Турсунбой ота Ортиқов билан ҳамсуҳбат бўлдим. У аввалига ўтмишини эслашни кўпам ёқтирмади.

– Битай деган қалб яраларим қайта тирна-лишини истамайман. Қисматим шу экан. Бунга тақдир азал дейдилар. Кўнмай иложим қанча? Давлатимизга раҳмат, оқ кийдириб, оқ тараб парвариш қилапти. Ҳеч нарсадан камим йўқ. Болаларимдан кўрмаган меҳрни, иззат-икромни шу ерда кўраяман.

– Фарзандлардан нечта?
– Икки ўғлим, бир қизим, етти неварам бор. Уйли-жойли бўлиб ке-

тишган. Невара келиндан чевара кўрибман, яқинда эшитдим. Лекин улардан хафа эмасман. Уларда айб йўқ. Ҳамма гуноҳ ўзимда. Ичимдан ўтганини ёлғиз ўзим, худо билади.

– Фарзандлар, неваралар келиб туришадими?

– Йил бўлди, дарақлари йўқ. Келишмасаям майли, соғ-саломат юришса бўлгани. Чеварамни бир кўрсам дейман, насиб қилса.

Турсунбой ота оғир хўрсинади. Афсус-надомат чекаётгани юз-кўзларида акс этиб турибди.

– “Кейинги пушаймон – ўзинга душман”, деган гап ҳақ экан, – дейди ота мижжасида қотиб қолган ёшни артиб. – Қирқ ёшимда аёлим оламдан ўтди. Чирқираб қолган уч болани онамга ташлаб, уйдан чиқиб кетдим. Шаҳарлик бир аёлга илакишиб, ичкүёв бўлдим. Унинг икки қизи бор эди.

“Аввал хеш, кейин дарвеш” дейдиларку! Аммо мен ўз болаларим қолиб, шуларнинг бошини силадим. Бошқа фарзанд кўрмадим. Аламимни ичкиликдан олдим. Ароқхўр эрни она-болалар ҳам уйдан ҳайдашди. Бу ёғи ёшим ҳам олтимишга яқинлашиб қолганди. Ушанда онам, ўз болаларим олди-га қайтсам бўларкан. Кўкрагимдан итаришмасди. Қайтмадим. Шаҳардаги уч-тўртта гумашталарим билан кайф-сафо қилиб юравердим. Қоровул бўлиб ишладим, кўча супурдим. Охири қишлоғимга бордим. Уғилларим уйланиб, қизим кўшни қишлоққа турмушга чиқиб кетибди. Улар билан муомаламиз қовушмади. Қандайдир бегона эдик. Меҳр берсанг, меҳр кўрасан-да. Ёшим бир жойга борганда, ўтмишда қилган ишларимдан уялдим, юзим шувут эди. Тақдирга тан бериб, шу ерга келдим. Салгина ҳаловат

топгандекман...

Турсунбой ота “Қариялар уйи”даги шарт-шароитлар, кутубхонадан олиб ўқиган китоблари ҳақида тўлиқ гапирди. Китоблардан ўзига ёққан ибратли гапларни, фикрларни ён дафтарчасига кўчириб олишни одат қилибди. “Китоб ёшларни тарбиялайди”, деган гапни кўп эшитганмиз. Шу жойда яна бир нарсага амин бўлдимки, китоб ўтмиши ғоятда қусурли кекса одамни ҳам қайта тарбиялар экан.

Турсунбой отанинг ён дафтарчасини кўздан кечириётим, остига қизил сиёҳ билан чизиб қўйилган ушбу сўзларни ўқидим: “Қирқ ёшгача хаётини тўғри изга солиб олишга шошилмаган одам, дарё бўйида ўтириб сувнинг тугашини кутаётган тентакка ўхшайди”.

Нима дейишни билмай қолдим. Садо яна отанинг ўзидан чиқди:

– Шунақа одам эканман. Дарё суви оқиб тугамайди – хаёт давом этади. Умр эса ўтиб бўлди, во дариг! Мендан нима қолди? Уч фарзандми, неварачевараларми? Уй-жойми, боғ-роғми, меҳр-оқибатми, одамларга яхшилиқми? Ҳеч нима! Омонатимни топширсам, йўқларга яқини йўқ мунғайган қабрим қолади. Умри афсус-надомат билан поёнига етган мендек кимсани биров эсламайди, дуои фотиҳага муҳтож руҳим қолади. Ёруғ дунёга келиб, йўқотганларим бисёр, топганим эса шу бўлди, холос.

Ота сўзини йўқотгандек, бошқа гапирмади, гапиролмади. Бошини қуйи солиб, эгнини қисганча ғижим дастрўмолини юзига қаттиқ босди...

Бу унинг сўнги иқрори эди.

**Абдужалил
БОБОЖОНОВ.**

Қишлоқларни яёв кезганда...

ҚАДАМИНГГА ГУЛЛАР ОЧИЛСИН!

Қўштепа туманининг "Шаҳартепа" маҳалла фуқаролар йиғинида 4818 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳалладаги хотин-қизлар фаоли Шоҳистахон Исмоилова ҳамда ҳоким ёрдамчиси Мирзоҳид Ҳақимовнинг айтишича, маҳалла аҳли тикувчилик, чорвачилик, томорқачилик, паррандачилик, асаларичилик, ҳунармандчилик йўналишларида меҳнат қилиб, даромад топаётган ҳақиқий миришкорлар.



Мана Ҳамжиҳатлик кўчаси. Бу ерга кириб боришингиз билан йўлнинг икки четида қизил, сариқ, яшил бўлиб очилган анвойи гуллардан кўзингиз қамашади, уларнинг ширин ифоридан димоғингиз яйрайди. Бу гуллар Музаффархон Каримовнинг томорқасидан эканлигини маҳалла аҳли яхши билади. 6 сотих ерда гулнинг ўттиздан ортиқ навлари қишин-ёзин ранг-барангликка бурканиб, гуркираб ётади.

Ҳозир ҳам хонадон соҳиби гулзориди. Атрофи харидорларга тўла.

– Яқинда ўғлимнинг тўйи. Келин юрар йўлларга чаман-чаман гуллар экай, деб келдим-да, – дейди "оловгул"дан сотиб олган Озодахон Мадалиева.

Онахоннинг гулдан улгу олган гулгун чехрасига боқиб, "Қадамингга гуллар очилсин", деган кўшиқ келди хаёлимга. Ҳақиқатан ҳам гуллар табиатнинг инсониятга

инъом сифатида берилган гўзаллик ифодаси. У изҳорлар, миннатдорликлар, шодлик, бахт-у соғинч рамзи.

Ҳозир иссиқхонада "чиннигул", "қировгул", "шамшод", "шафрон" каби турли-туман гуллар чаман-чаман очилиб турибди.

– Бу гулларнинг уруғини ноябрь ойларида сепганмиз, – дейди гулчи Музаффархон ака. – Лекин жуда матонатли чиқди улар. Қишнинг совуғини кўрдингиз, ипдек нозик жуссаси билан қаҳратонни енгишнинг ўзи бўладими? Иссиқхоналарга ҳар йили 10 тонна кўмир ёқар эдик. Бу йил 2 баробар кўп ёқдик. Шукурки, заҳматларимизга яраша даромади кўнгилдагидек бўляпти. Ободонлаштириш бошқармаси ҳодимлари-га, қўшнилари-га ва бозорга сотиб, барака қиляпмиз.

Унинг айтишича, гуллар ҳам қиз боланинг кўнглидек нозик, инжиқ ва ўжар. Унинг тилини топиш, меҳр бериш керак. Баъзилари барглари-дан сув ичса, баъзилари илдизидан озикланади. Лекин ҳеч қачон гуллар барқ уриб, очилган маҳал унинг устидан сув қуя кўрманг. Сизга "араз қилиб", қайта очилмай қўйиши мумкин.

Ҳа, ҳар бир ишни ўз устаси қилгани маъқул. Шаҳартепада гўзалликни севган тоза қалблар бор экан, маҳалла гуллаб-яшнайверади.

Ҳунар – кўкка етказар

"Ўз ишининг билимдони бўлиш, касбини юксак даражага олиб чиқиш одамдан катта маҳорат талаб қилади. Бироқ оддий матога меҳр бериб, қалб қўринг билан игна-ип ушла-санг, ҳақиқий санъат асари яратиш ҳеч гап эмас", дейди моҳир тикувчи Нилуфархон Содиқова.



"МЕҲР БЕРГАН ҚЎЛГА ИГНА КИРМАЙДИ"

Шаҳартепада яшовчи якка тартибдаги тадбиркор 15 йилдан буён тикувчилик фаолияти билан шуғулланади. У юртимизда аёлларга берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда имтиёзли кредит олиб, фаолиятини йилдан-йилга кенгайтириб бормоқда.

Нилуфархоннинг кичик, аммо ҳамisha гавжум бўлган тикувчилик цехида 30 нафар хотин-қиз эрта-ю кеч чок машиналари ёнида ҳозир-у нозир. Бошқа тикувчилардан фарқли ўлароқ, улар мунчоқли безак санъатидан фойдаланиб, буюртма асосида тўй-ҳашамлар, келинчақлар учун либослар, сарполар тикишмоқда. Улар тиккан кўйлақлар Ўзбекистон бўйлаб, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон давлатлари ва Москва шаҳарларигача тарқалган.

– Болалигимда амманнинг уйига кўп борардим. Улар қишлоқнинг энг олди чеварларидан эди. Файзли хонадонидан одам оёғи ўзилмасди. Кимдир кийим тиктиришга мато ташлагани келса, кимдир битган кўйлагини эгнига илиб, тўй-ҳашамга кетарди. Янги кўйлақ аёл ҳуснини янада гўзал қилиб кўрсатишини ўшанда пайқаганман. Чеварчиликка бўлакча меҳрим тушган, – дейди Нилуфар. – Кўп устоз

кўрдим. Негадир ўзимдан ҳеч кўнглим тўлмасди. Онам 10-20 метрлаб бўз олиб берарди. Улардан тасаввуримда пайдо бўлган турли кўриниш, турли фасондаги кўйлақларни тикиб кўрардим. Четда кузатиб турган онамнинг бир гаплари ҳамон қулоғимдан кетмайди: "Кўрқма, қизим, чеварнинг маҳорати қайчини қандай ушлашидан сезилади. Меҳр берган қўлга игна кирмайди. Бу – оддий мато холос. Одамнинг жони эмас-ку. Матони хоҳлаганча сотиб олса бўлади".

Ҳозир ҳам кўнглим ва хаёлимдаги кўйлақ яралмагунча қайта-қайта тикавераман. Чунки қилиб кўрмагунча билиб бўлмайди. Тажриба кўп нарсани ўргатаркан-да.

Нилуфарнинг ўзига ишонган, маҳоратли тикувчи эканлигининг сири изланувчанлигида бўлса керак. Чунки у ҳамisha ҳаракатда. Бир куни ижод маҳсуллари-ни альбом қилиб, Тошкентнинг Чорсу бозорига, келин сарполари сотиладиган миллий бозорга олиб борди. У ердаги тадбиркорлар билан шартнома тузиб, буюртма асосида ҳар ҳафта маҳсулот етказиб беришга келишди. Ҳозиргача шаҳартепалик қўли гул аёллар тиккан кўйлақлар пойтахт бозориди "тала-

мон" бўлмоқда.

– Муваффақиятимиз – жамоа билан жипс ишлашимизда, – дейди Нилуфархон. – Битта кўйлақ тури устида обдон баҳс юритамиз. Фикримиз қовушмай, ойлаб, йиллаб тугалланмай қолган ижод намуналари бор. Ипакка ипақ, шойига шойи безаклар ишлатиш, тахланадиган бурмагача эътибор бериш – булар либоснинг кўркамлигини оширувчи кичик, аммо асосий деталлардир. Ишчиларимни ўз устида қаттиқ ишлашларини талаб қиламан. Чунки чевар қизиқувчан бўлмаса, замондан бир қадам олдинда юрмаса, ишсиз қолиб кетади. Ҳар мавсумда "мода" бўладиган ранглари, либослар кўринишини олдиндан билиб, шу бўйича ҳаракат қилган тикувчининг қайчиси қўлидан тушмайди.

Тикувчиларнинг айтишича, сабр-тоқат, дид – чеварнинг дўсти бўлса, бир хиллик, одатийлик унинг асосий душмани экан. Улар сабр-тоқат билан ҳафтасига 100 дона кўйлақни харидорларга етказиш имкониятига эга. Уларнинг ҳар бири 400 мингдан 3 миллион сўмгача баҳоланади.

– Тикувчилик цехимизга маҳалламизнинг энг донгдор чеварлари йиғилган, – дейди Ҳалима опа Ҳақи-

мова. – Ўзим ҳам икки йилдан буён шу жамоадаман. Мактабни битириб қўлимга игна-ип тутдим, десам ҳам бўлади. Касбимни севаман. Шу боис, анча-мунча муаммолар, рўзгордаги икир-чикирлар кўзимга кўринмайди. Ростки, тиккан либосимизни кимнингдир эгнида кўрсак яйраймиз. Асосан, қўл меҳнати билан ишлаймиз. Либосларимиз тўй-ҳашамларга мўлжаллангани боис, унинг муҳташам, кўркам кўриниши учун мунчоқлардан кўп фойдаланамиз. Керак бўлса, битта безакли нимчанинг тикиб битказилиши учун уч кун вақт керак бўлади. Ишимизга қараб 4 миллион сўмгача маош оламиз. Маҳалламиздаги ишсиз аёллар билан касаначилик асосида ҳамкорлик қиламиз.

Ҳа, "Ҳунар кўкка етказар", деганларидек, маҳалланинг ҳунарли хотин-қизлари доимо эъзозда. "Фаолиятимизни кенгайтириш, ўз брендимизга эга бўлиш асосий мақсадларимиздан бири" дейишди улар. Чеварларнинг ижод маҳсуллари-ни кузатарканмиз, гўёки арзимасдек туюлган игнанинг сеҳрини ўз кўзимиз билан кўрдик, санъаткор қалбларнинг гўзаллигини кашф этдик.

Гўзал ОХУНОВА.

Яхшилардан сўз очдик...

“ҲАМИША ҚОНУНГА ТАЯНДИМ,
АДОЛАТ ВА ҲАЛОЛЛИК ШИОРИМ БЎЛДИ”

дейди суд тизими фахрийси Бахтиёр Махаматов.

У меҳнат фаолияти давомида қанчадан-қанча оғирнинг устидан, энгилнинг остидан ўтмоққа уринган, ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўймоқчи бўлганларни қонун измига солди, соғлом ҳаётга қайтарди, қонунга риоя қилиб яшашни ўргатди.

Бу осон бўлмади, лекин ҳар қадамда адолат ва ҳалолликни ҳаётининг мазмуни, мезони деб билган собиқ судья ўз эътиқодида собит турди. Бугунги кунда етмиш ёшни қаршилаган Бахтиёр ака Махаматов ҳамкасблари, шогирдлари орасида ўз касбининг фидойиси, деган шарафли эътирофга сазовор бўлди, жамиятда обрў-этибор қозонди, фарзандлари, набиралари қуршовида умргузаронлик қилмоқда.

Узоқ йиллар давомида Бахтиёр Махаматов суд-ҳуқуқ идораларида ишлаб, чуқур билими, ҳаётий тажрибаси ва ҳалол меҳнати билан республикада қонунчиликни мустаҳкамлаш, одил судловни таъминлаш, ёш кадрларни танлаш ва тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшди. Унинг судьялик малакаси, касбий маҳорати шогирдлар учун ҳаётий мактаб бўлиб, уларнинг аксарияти ҳозирги кунда ҳуқуқ-тартибот идораларида ишламоқда.

Меҳнат фаолиятини 1972 йилда Фарғона пойабзал фабрикасида оддий электрик касбидан бошлаган Бахтиёр Махаматов кейинчалик 2504-автоколоннада кадрлар бўлими бошлиғи бўлди. 1985 йилда Тошкент давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) ҳуқуқшунослик факультетини битиргач, Фарғона шаҳар прокуратурасида прокурор ёрдамчиси сифатида иш бошлади.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги фаолиятининг дастлабки даврида Қирғули туман судида иш ўрганувчи, 1-Фарғона давлат нотариал идорасида нотариус, вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимларида меҳнат қилди. Фарғона шаҳар суди судьяси, Фарғона туман суди, вилоят ҳўжалик судининг раиси вазифаларида ишлаган кезлари ўзининг етук раҳбар, қатъиятли ва тажрибали юрист



сингари сифатлари билан вилоят ташкилот, корхона ва идоралари ходимларининг ҳурматини қозонди.

1997-2002 йилларда ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида шартнома ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш, иқтисодий соҳалардаги қонунчиликни мустаҳкамлаш, аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда вилоят ҳўжалик судининг салоҳияти сезиларли даражада ошди. Бу муваффақиятлар ҳўжалик суди раиси Бахтиёр Махаматов фаолияти билан ҳам бевосита боғлиқ эди.

Унинг раҳбарлигида вилоят ҳўжалик суди моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Судьялар ва суд ходимларига қулай меҳнат шароитлари яратиб берилди. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва

тарбиялаш, касбий маҳоратини оширишда ижобий ўзгаришлар бўлди.

Бахтиёр Махаматов 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг Кадрлар бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди. Ушбу давр ичида у хизмат вазифаларини бажаришга сидқидилдан ёндашиб, касбига садоқати, масъулияти ва тажрибаси билан ёш кадрларга намуна бўлди, малакали ҳуқуқшунос эканлигини амалда кўрсатди.

Ҳўжалик судлари тизимидаги судьялик лавозимларига захирани муносиб номзодлар билан тўлдириш, судьялар ва суд ходимлари касб-маҳоратини ошириш ҳамда бир қатор вилоят ҳўжалик судларида бўш судьялик ўринларини тажрибали ва билимдон ҳуқуқшунослар билан тўлдиришда самарали меҳнат қилди. Бунда унинг шахс сифатидаги камтарлиги, тўғрисўзлиги,

қатъият ва ҳалол-поклик сифатлари қўл келди. Шунингдек, унинг Фарғона вилоят Ҳакамлик судлари ассоциацияси раиси вазифасида ишлаган кезларидаги фидойилигини ҳам вилоятимиз жамоатчилиги яхши билади.

Мамлакат адлия, суд, прокуратура органлари тизимида шараф билан меҳнат қилган фарғоналик ҳуқуқшунос, пенсиядаги суд тизими фахрийсининг ҳаёти ва меҳнат фаолияти ёшлар учун ибрат мактабидир.

Бахтиёр ака Махаматов зиёлилар оиласининг бошлиғи, ўн нафар набира ва чеваранинг ардоқли бобоси. Турмуш ўртоғи, она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлган Каримахон ая билан уч фарзандни тарбиялаб, вояга етказдилар. Бугун ўғиллари Дониёрхўжа вилоят маъмурий суди раиси, Нигорахон Фарғона давлат университетиде кимё фанлари бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида, Иродахон врач-эпидемиолог, Фарғона давлат университети докторантурасида таҳсил олмақда.

– Меҳнат фаолиятим давомида ҳамиша қонунга таяниб иш кўрдим. Адолат ва ҳалолликни ўзимга шиор деб билдим. Шу эътиқод билан яшадим, – дейди Бахтиёр ака Махаматов. – Жамиятдаги адолат мезони – фуқаролар ҳуқуқ-эркинликлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларининг ҳимоя қилиниши қай даражада кафолатланганлиги билан бевосита боғлиқдир. Адолат эса мустақил суд ҳокимияти томонидан таъминланади. Янги Ўзбекистонда судьяларнинг чинакам мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминлаш бўйича самарали механизмлар ишлаб чиқилмоқда. Аҳолининг одил судловга эришиш имкониятлари кенгайиб бораётгани, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар, Президентимиз таъбири билан айтганда, “Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак” деган эзгу тамойил ҳаётий ифодасини топаётгани мени қувонтиради.

Абдужалил БОБОЖОНОВ.

Хотира уйғонса гўзалдир

УМР ҲАМ ЯПРОҚДАЙ ОМОНАТ...



Умрининг салкам ўттиз йилини давлат ва жамоат ишларида фидойилик билан ўтказган Ёзёвон қизи Зулфия Тешабоевнинг тасодифий ўлими туман аҳлини шошириб қўйди. Ҳамиша юзидан табассум аримайдиган бу аёл 54 ёшни қаршилади холос.

Умр йўлдоши Алишер Тешабоев билан биргаликда вояга етказиб, юртга қўшган тўрт нафар фарзанднинг барчасини ҳам уйлаб-жойламаганди ҳали у. Бироқ ўлим ҳақ.

Зулфия Тешабоева Бағдод туманидан Ёзёвонга келин бўлиб тушганида эндигина мактабни тамомлаган эди. Унинг илмга ташналигини сезган қайнотаси келинининг олий маълумотли бўлишига бош-қош бўлди.

– Зулфия билан танишиб, дўстлашганимизга 30 йил тўлганди. 1989 йили тумандаги 6-умумий ўрта таълим мактабиде она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси сифатида бирга иш бошлаганимиз. Унинг кўнғироқдек жарангдор овози тез орада педагоглар жамоасининг назарига тушиб, унга мактаб миқёсидаги тадбирларни олиб бориш масъулияти юклангани кечагидек ёдимда. Ёшлиқдаги меҳр сабабми, кейинчалик қаерда фаолият юритмай, у билан тақдир йўлларимиз кесишаверди. Оддий ўқитувчиликдан мактаб директори, туман ҳокими ўринбосари даражасигача бирма-бир кириб келдик, – дейди Ёзёвон тумани ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Саидахон Усмонова. – Зулфияни ёзёвонликлар нафақат раҳбар аёл, балки қалби меҳрга, мурувватга тўла саховатпеша инсон сифатида ҳам яхши билишарди. Ҳимояга муҳтож оилаларга доимо ғамхўрлик қиларди. Туманда у кирмаган бирор-бир хонадон йўқки, ташрифидан қувонмаган бўлса... Ҳатто байрам кунлари ҳам Зулфияни кимнингдир хонадонидан қайсидир бир муаммони ҳал этиш чоғида топардик.

Ҳамиша элнинг дард-у ташвиши билан ёниб яшайдиган Зулфия опани жигари билан боғлиқ муаммо сабабли шифохонага ётқизишганда, кўпчиликнинг бунга ишонгиси келмади. Чунки, ҳеч кимга соғлиғидан шикоят қилмаган, ҳеч қачон шифохоналарда даволанмаганди.

Ҳа, Зулфия Тешабоева ана шундай ғайратли, ҳатто дардини кимсага билдирмайдиган даражада сабр-тоқатли, синовларга энгилмас ирода соҳибаси эди.

– Уч қиз, бир ўғил – онамизнинг меҳрига ҳали тўймаган эдик. Умрининг сўнги йилларида “Сойбўйи” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳоким ёрдамчиси вазифасида иш олиб борди. Лекин унинг шижоати сўнмади. Баъзан бизга ҳам бироз вақт топинг, деб зорланар эдик. У эса, “Яратган сизларнинг бахтингизни тўқис қилиб берди, минг шукр, бошқаларнинг ҳам бахтини кўрсам кейин тинч ўтираман уйимда”, дерди доимо. Бетоб бўлиб ҳам, кўп ётиб қолмадилар, – дейди қизи Дилноза.

Одамларни ҳаётдан рози кўриш, ўзидаги бахтни барчага улашиш Зулфия опанинг жайдари фалсафаси эди. Бу сўзларни ҳаёт мезонига айлантирар экан, унинг замирида ўзига яраша ҳикматни топиб яшарди.

Инсонийлик фазилатлари ҳамиша ҳавас билан тилга олингандаги ўзбек аёли ҳақидаги хотираларга қулоқ тутарканмиз, унинг шогирдларидан ҳам илиқ фикрлар эшитдик.

– Узоқ йиллар туман ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари сифатида фаолият олиб борган кезлари эди. Табиийки, қабулига турли кайфиятдаги инсонлар келарди. Унинг бирор марта баланд овозда гапирганини, ноҳўя сўз айтганини эшитмадик. Аксинча, катталарнинг ҳурмати, кичикларнинг иззатини жойига қўйишни, ёш оилаларга меҳр кўрсатиб, тўғри йўлга бошлашни Зулфия опадан ўрганганман, – дейди Ёзёвон тумани, “Баҳор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маҳфүзахон Мамажонов.

“Япроқ бўл!” дейишганди унга. У айни гуллаб-яшнаган чоғида бандидан узилди, худди япроқ каби...

Муаттар МАҲМУДОВА.

Қилмиш-қидирмиш

Эндигина 25 ёшни қаршилаган қувалик Дилшодбек Абдумухторов суднинг "қора курси"сида ўтирди. У бу ёшда ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиши, ўзининг билими, иқтидори, эгаллаган касби ортидан яхши ном қозониши мумкин эди. Аммо билагида куч-қувват тўлиб-тошган йигит жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни "интернет" жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш билан шуғулланиб, жиноят содир этди.

БИЛАГИДАГИ КУЧНИ ПУЧГА АЙЛАНТИРДИ

Жумладан, судланувчи Д.Абдумухторов 2020 йил 15 ноябрь куни ўзининг "Samsung A 30 C" русумли уяли телефони орқали интернет тармоғига кириб, дастлабки терговда аниқлашнинг имкони бўлмаган манбалардан маърузалари тақиқланган қори томонидан айтилган видеотасвир шаклидаги маърузани телефони хотирасига юклаб, сўнг уни "Instagram" ижтимоий тармоғида расмийлаштирилган профилига жойлаб, ўзининг 900 нафардан зиёд обуначиларига тарқатган.

Қува тумани ИИБ жиноят-қидирув бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор-қидирув тадбирида Д.Абдумухторовнинг уяли телефони холислар ва мутахассис иштирокида кўздан кечирилганда, ҳақиқатан ҳам, юқорида келтирилган видеотасвир шаклидаги маърузани алоқа воситасига жойлагани ва тарқатгани маълум бўлди. Бу маърузани 55 нафар обуначилари тинглаган, уларнинг 18 нафари "Like" тугмасини босган.

Судга оид диншунослик экспертизасининг хулосасига кўра, видеотасвирдаги маъруза ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган бўлиб, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб



кириш ва тарқатиш тақиқланган.

Мазкур жиноий иш бўйича ўтказилган суд жараёнида Дилшодбек Абдумухторов ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқроор бўлиб, қонунчиликка зид хатти-ҳаракатидан қаттиқ пушаймонлиги, ёшлиги, келгусида бундай қилмишни содир этмаслигини айтиб, суддан енгиллик беришини сўради. Сўроқ қилинган бир

неча гувоҳлар айбловнинг тўғрилиги бўйича кўрсатма бердилар

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 244¹-моддаси 3-қисми "г" банди билан айбли деб топилган Дилшодбек Абдумухторовга 3 йилу 9 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Зафаржон ОМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Қува тумани суди раиси.

ЭЪЛОНЛАР

Фарғона туманлараро маъмурий судининг 2023 йил 6 март кунги ҳал қилув қарорига асосан, "Chorsu femida" адвокатлар ҳайъати адвокати Хасанов Авазбек Ўлмасовичга Фарғона вилоят адлия бошқармаси томонидан берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия (FE 000314)нинг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми 2023 йил 6 августга қадар тўхтатилгани маълум қилинади.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
қўйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади

Кафедра профессори лавозимига:

1. Физика ва астрономия кафедраси.

Кафедра мудири лавозимига:

1. Педагогика кафедраси.

Кафедра доценти лавозимига:

1. Инглиз тили ва адабиёти кафедраси.
2. Спорт ва ҳаракатли ўйинлар кафедраси.
3. Кимё кафедраси.
4. Факультетлараро педагогика-психология кафедраси.
5. Факультетлараро тиллар кафедраси.
6. Биология кафедраси.
7. Ўзбек адабиёти кафедраси.

Кафедра катта ўқитувчиси лавозимига:

1. Технологик таълим кафедраси.
3. Инглиз тили ва адабиёти кафедраси.
4. Жисмоний маданият методикаси.
5. Физика ва астрономия кафедраси.
6. Факультетлараро тиллар кафедраси.
7. Махсус педагогика кафедраси.
8. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси.
9. Мусиқа таълими кафедраси.

Кафедра ўқитувчиси лавозимига:

1. Бошланғич таълим кафедраси.
2. Факультетлараро математика кафедраси.
3. Ўзбек адабиёти кафедраси.
4. Факультетлараро тиллар кафедраси.

Танловга ҳужжатлар қабул қилиш муддати эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.

Мурожаат учун манзилгоҳимиз: Қўқон шаҳри, Турон кўчаси, 23-уй. Ректорат биноси, 6-хона.

Кенгаш котиби: Х. Раҳмонов.

Телефон: 91 684-49-73.

"INSON" АЖ суғурта ташкилотига тегишли бўлган 030812, 030813, 050153, 050157, 050158, 050159, 050160, 050161, 050162, 050164, 050170, 050176, 050181, 050184, 050191, 050192, 050193, 050194 сонли ихтиёрий суғурта полис бланкалари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона вилояти ҳокимининг собиқ ўринбосари, таниқли шарқшунос олим, жамоат арбоби
Мирзарасул ҒОФУРОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қиламиз.

Бир гуруҳ дўстлари.

O'ZBEKISTON DAVLAT SAN'AT VA MADANIYAT INSTITUTINING FARG'ONA MINTAQAVIY FILIALI

2022/2023 o'quv yilida bakalvriyat ta'lim yo'nalishlari bo'yicha bitiruvchilarni hamkorlik shartnomalari hamda buyurtmalar asosida ish joylariga taqsimlashga kirishganligini ma'lum qiladi.

Ma'lumot uchun telefon: 73 543-46-30. Faks: 73 543-50-11.
Manzil: Qo'qon shahar, Movarounnahr ko'chasi, 3-"a" uy.

2022/2023 o'quv yilida O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining Farg'ona mintaqaviy filialini bitirayotgan yosh mutaxassislar to'g'risida ma'lumot.

№	Bakalavr yo'nalishlari nomi	Kodi	Jami bitiruvchilar soni	Shu jumladan		Shu jumladan, viloyatlar bo'yicha																											
				Grant	Shartnoma asosida	Qoraqalpog'iston Respublikasi		Andijon viloyati		Buxoro viloyati		Jizzax viloyati		Qashqadaryo viloyati		Navoiy viloyati		Namangan viloyati		Samarqand viloyati		Sirdaryo viloyati		Surxondaryo viloyati		Toshkent viloyati		Farg'ona viloyati		Xorazm viloyati		Toshkent shahri	
						G	SH	G	SH	G	SH	G	SH	G	SH	G	SH	G	SH	G	SH	G	SH	G	SH	G	SH	G	SH	G	SH	G	SH
1	Aktyorlik san'ati (Musiqali teatr aktyorligi)	5150300	22	3	19				4									1				1						3	13				
2	Aktyorlik san'ati (Qo'g'irchoq teatri aktyorligi)	5150300	8	2	6				1									1										2	4				
3	Musiqali teatr rejissyorligi	5150400	5	2	3				2													1						1					
4	Xalq ijodiyoti (Folklor va etnografiya)	5151600	6	2	4													1	1								1	3					
5	Xalq ijodiyoti (Ashula va raqs)	5151600	10	3	7													1	1								2	6					
6	Kutubxona-axborot faoliyati	5350600	28	9	19				2					1													8	16	1				
	Жами		79	20	59				9					1				2	5							2	17	42	1				

СИЗ КУТГАН УЧРАШУВ

“ИЖОДИМИЗНИ
СЎРОҚЛАГУВЧИЛАР
БЎЛСА, ЁЗАМИЗ ҲАЛИ...”

Фаргона шахрининг “Гулистон” маҳалласида элимизнинг дилбар шоираси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Матлуба Деҳқон қизи умргузаронлик қилади. Тоза диллар оралаб, адабиётнинг мусаффо ҳавосидан нафас олганча, сўз-у шеърға суюнган кўйи яшаётган устоз ижодкорнинг “Мени гул сўқмоқлардан изланг”, деган даъватига кўра, ширин суҳбат қурмоқ хуморида уларнинг хонадониди бўлди.

Баҳор борлиққа бир этак гул ҳада этган май ойининг дилкаш кунларида кечган нафис суҳбатимиз ижод, китоб, адабиёт, ҳаёт ҳақида бўлди.

– Устоз, самимият билан битилган шеърларингизни ўқиб, табиий, жонли, кўнгилга яқин деган таърифларни келтириш мумкин. “Қорачиқ”, “Кўнгил уйи”, “Соғинч”, “Уша кун”, “Дилномалар”, “Гул сўқмоқлар” каби асарларингиз китобхонлар томонидан севиб мутолаа қилинишининг сабабларидан бири шудир балки. Сатрларингизда оддий аёлнинг кўзларидан тошиб турган бахт-у қувончлари, изтироблари, гул япроғидаги нозик титроқлар-у қорачиққа ботган тиканларгача акс этади...

– “Тириклик чоғи айтолганим сўз... Мени ҳам минг йиллар қилар ҳикоя”, деб ёзганди Фафур Фулом. Шеърсиз ўтган кунларимни бой берилган онлар, деб биламан. Ёзолмаслик ростдан ҳам алам! Худди бўм-бўш идишга, суви қуриган анҳорга ўхшайсан ёзолмасанг. Одамлар орасида ўзингни эркин сезмайсан. Гўё оламни, яшашни, умрни идрок этолмаётгандай, воқеа-ҳодисаларга муносабатсиз, бепарво, ҳиссиз ҳаёт кечираётгандай, сени юксакларга кўтаргувчи руҳинг танангдан чиқиб кетгандай... Ёзганимизни ўқиб, кимнингдир кўнгил ёришса, тафаккур қилишни бошласа, қандай яхши... Яхши китоб ҳеч қачон эскирмайди, деган фикрда собитман. Баъзан “замонавий асар” деган гаплар қўлоғимизга чалиниб қолади. Менимча, яхши асар ҳамма даврда ҳам “замонавий” бўлиб қолиши керак. Қайсики битик инсон қалбига туйғулар берса, кўзларга оловлар ҳада этса, ўша яхши ва ўлмас асардир! Бироқ ҳақиқатки, ижод – машаққат. Заҳматли йўл. Ижод – бу кўнгил меҳнати, туйғуларнинг ғунча мисол очилиши, ҳаяжонлар ҳосиласи. Ҳалима Аҳмедованинг “Мен байрам

қилипман тирикчимни...” деган сатри бор эди. Ёзаётган пайт ҳам худди шунақа. Дилга бутун тириклик шуълалари оқиб киради. Ижодкор эса ўша шуълаларни, ўзи кўраётган, сезаётган дунёни бошқаларга улашиб бергиси келади. Шу боис, қалб билан битилган китобларда юрак тафти бўлади. У кимнидир поклайди, туйғуларини янгилайди, балки ҳаётда янги сўқмоқлар очар. Қанийди биз ёзган асарлар-да кўплар учун манфаат келтирса...

– Таниқли журналист, шоир Абдували Ортиқов билан бахтли ҳаёт кечирдингиз, беш нафар фарзандли бўлдингиз. Ижодкор билан яшаш, унинг кўнгилни топиш ижодкор аёл учун қанчалик масъулиятли кечди?

– Мен умрдошимни фақат бир хонада яшайдиган соҳибим, фарзандларимнинг отасигина эмас, мени қайсидир маънода англаб, қалбимни ойнада кўргандай кўриб турган ва уни суюшга уринаётган инсон, дўстим, деб билдим.

Бир куни “Садқак пирим” китоби учун арзирли “нимадир” топиш иштиёқида Садқак қишлоғига бордим. Аллоҳнинг қудратига, шундай шифобахш булоқларни пойимизда яратиб қўйганига махлиё бўлиб, кун ботганини, қоронғи тушганини ҳам сезмай қолибман. Уйга шом шафақлари тарқаб, хуфтонга яқин кириб келдим. Хайриятки, ўғилларим овқатни ўзлари пишириб, еб ўтиришган экан. Уларнинг олдида киролмай, бошқа хонада тонг отирдим. Яхшиям, “биров”лар жаҳллари ни сочмади. Улар билан эрталаб кўришдим.

– Бормисиз, Тиллахоним, кўринмайсиз? – дея қувноқ кайфиятда қаршилади.

Бу инсоннинг бағрикенглигидан йиғлаб юбордим. Тўғри-да, атрофингда сени тушунадиган, қўллаб турадиган инсонлар бўлмаса, аёл ижодкор адабиёт аталмиш машаққатли йўлнинг ярмида қолиб кетиши ҳеч гап эмас. “Садқак пирим” рисоласи 2004 йилда чоп этилди. Китобнинг қадами шундай қутлуғ келдики, бугунгача уч марта қайта нашр қилинди. Уни кўп марта сўроқлашади.

Шоир Абдували Ортиқов доим “Сабр – қоя” номи билан китоб чиқаришни орзу қилиб юрардилар. Ўйласам, умри давомида сунчиғи – фақат Сабр бўлган экан. Уларнинг ёзган шеърларини тўплаб, ўзимникини ҳам қўшган ҳолда нашрга тайёрладим. Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиёва “Бир дуторнинг икки тори” сарлавҳаси билан сўзбоши ёзиб бердилар. Унда умрдошимнинг шеърлари ҳақида шундай олқишли сўзлар ёзилган эдики, ҳозир ҳам ўқисам, кўзларимдан ёшлар қуйилади. Негаки,

улар ўта камтар, шеърини ҳеч қачон кўтариб, тахририятларга бормаидиган, фақат давралардагина ўқишни ҳуш кўрадиган инсон эди. Ўзи ҳақидаги бу қайноқ сўзларни эшитганда, қандай ҳолатга тушарди-я! Яна тинмай шеърлар ёзган бўларди. Шоир кўпинча тун ва тонг орасида ёзарди.

– Адабий мактублар ва шеърлардан иборат “Дилномалар” китобингизда устозингиз Йўлдош Сулаймонга ёзган мактубларингизни мириқиб ўқиганмиз. Устозларингиз ҳақида гапириб берсангиз...

– Назаримда, ижодда отамдан, онамдан ўсиб чиқдим. Ижодга рағбатимни биринчи бўлиб отам пайқаганлар. Вилоят газетасига боргин, деб маслаҳат берган. Фаргона педагогика институтига имтиҳон топшираётганимда отам ўша атрофларда гирдикапалак бўлиб юрганлари кечагидек эсимда. Отам:

– Нимага ёзмайсан? – деб гоҳи сўраб турардилар.

Отамдан кейинги устозим – Йўлдош Сулаймон бўлди. Шогирдларини кўзининг қорачиғидай авайларди. Ҳатто оғзидагини илинарди. Устоздаги меҳрни кўриб, кўзларимдан ёш чатнаб кетарди. Охунжон Ҳақимов, Малика Мирзаева, Йўлдош Солижонов, Махфуза Усмонова, Тошкентда Ойдин Ҳожиёва, Иброҳим Фафуров, Пиримқул Қодиров, Икром Отамурод, Мурод Хидиров, Маъсума Аҳмедова, Абдуқодиржон Ниёзовлар ёзувларимга назар ташлаб, илиқ сўзлар айтганлар. Маслаҳатларини аямаганлар.

Шу ўринда устозим Йўлдош Сулаймон ҳақида гапирмасам, шогирдлик одобидан чиққан бўламан. Чунки улардан нафақат ижод сирлари, балки одамийлик сабоқларини ҳам ўргандим. Улар қачон Саид Аҳмад, Ҳамид Фулом, Носир Фозиллов билан кўнгираклашсалар, ўринларидан туриб гаплардилар. Устозларни қадрлашда устознинг ўзидан ўрнак олдим. Улар Тошкентга ишга кетгач, 1996 йилдан токи 2001 йилда Фарғонага қайтгунарларича тез-тез “Устозга мактублар” ёздим. Устознинг шогирдларига меҳри бошқача, ўхшаши, таърифи йўқ эди. Жойлари жаннатда бўлсин, илоҳим.

– Умрнинг донишманд палласида турган устоз ижодкор сифатида англаган ҳақиқатларингиз бизга жуда қизиқ. Хусусан, ёш қалам-кашларга қандай тавсиялар, насихатлар берасиз?

– “... Ҳаяжонсиз ёзувчилик ишларимиз олға силжимайди”, деб ёзганди рус ёзувчиси Лев Толстой. Бу фикрга қўшиламан. Ақлни тебратувчи ҳам, ишга солувчи ҳам – ўша ҳаяжон, ўша туйғулар... Тошқин Ҳиссиётлар, айниқса, ёшлиқда тўлиб-тошади. Бу лаҳзаларни қоғозларга муҳрлаб қолиш керак.

Дарвоқе, ҳар бир ижодкор кундалик тутишни одатга айлантурса, зарар қилмас эди. Чунки кундалик – ижодкор учун энг яхши дастёр. Яшаётган кунимиздан бир гўзал туйғу топамизки, кундалик битамиз. У ойлаб, гоҳи йиллаб

ғаладонларда ётса ҳам бир куни асқотади. Гоҳо янги бир асарнинг туғилишига тўртки бўлади.

Ўқигандим, устоз Абдулла Қаҳҳорда бир нечта ёндафтарчалар бўлган экан. Уларга нозик ибораларни, асар қаҳрамони феъл-атворини очадиган сўзларни ёзиб қўйган. Асарларида улардан фойдаланган.

Ўзбекистон халқ рассоми Ортиқбой Қозоқов ҳам ўзи учун кундаликлар ёзишни одат қилган. Рассомлик йўлидаги машаққатлар, картиналар яратишдаги изланишлар, туйғулар, ранглар, ҳайрат ва ҳаяжонлар... Айни пайтда ўша кундаликлар беш томлик асарга айланбди.

Таржима асарларни, албатта, ўқиш керак! Агар ўша китоб таржимон кўнглини тебратмаганда, завқ-шавқ бағишламаганда, у китобни бошқа тилга ўғирармиди! Назаримда, таржимонлик ёзувчиликдан ҳам қийин юмуш. Ёзувчи кўнглидан оқиб келаётганини ёзади.

Таржимон эса ҳар бир сўз, муаллиф услубини сақлаш йўлида ҳаракат қилади, гўёки, у яшаган муҳитдан нафас олади. Икки тил ўртасида заҳмат чекади. Талабалик йилларим рус ёзувчиси Константин Паустовскийнинг ижод заҳматларига бағишланган “Олтин гул”, Валентин Катаевнинг “Хаёл чечаклари” асарларини ўқиб, жуда таъсирланганим ёдимда. Бу хазиналар кичик сўқмоқлардан катта йўлга қадам қўйишимга сабаб бўлган. Айниқса, табиат ошиғи Паустовский асарларини севиб ўқирдим, унинг ҳикояларини ўзбек тилига таржима қилмаганимдан ҳамон армондаман. Сергей Есенин мактубларини ўқиб, инсоннинг инсонга бўлган чексиз меҳрини янада теранроқ туйгандим. Шу ўринда айтгим келади, қўлига қалам ушлаган ижодкор кучи етганича тилларни ўрганиши зарур. Бу унга янги ижодий ўфжларни очишда катта ёрдам беради.

– Устоз, мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур. Сиздан яна янги ижод намуналарини кутиб қоламиз.

– Оллоҳ умр ва илҳом берса, ижодимизни сўроқлагувчилар бўлса, ёзамиз ҳали... Ҳақиқий қаҳрамонлар атрофимизда юрибди, мўъжизалар кўз ўнгимизда содир бўляпти. Мана ҳозир ташқарида чиқинг, гўзаллик қўлингизга қалам тутқазмай қўймайди.

**Беҳилар, олчалар гуллаган,
Ўрикнинг шохлари – ғўрадир.
Бодомлар рўмолин сидириб,
Ям-яшил чодирга киродир.**

**Кўм-кўқдир, кўм-кўқдир тўрт тараф,
Ой Ерга интилиб ҳалақдир,
Юлдузлар тун ичра сирлашар,
Баҳорга парвона – фалақдир.**

**Гўё бу ошиқлик замони,
Ҳар юрак бир қўшиқ айтмоқда,
Ғафлатни нари сур, эй кўнгил,
Яна бир баҳорим ўтмоқда.**

Гўзал ОХУНОВА суҳбатлашди.

МУАССИС:
«Farg'ona haqiqati» va
«Ferganskaya pravda»
gazetalari tahririyati

Бош муҳаррир:
Рустам ОРИПОВ.

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета “Полиграф-пресс” МЧЖ босмаҳонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-3 формат (8 саҳифа)да 2101 нусхада чоп этилди.
Буюртма №:328. Босмаҳона манзили: Фарғона вилояти, Маргилон шаҳри, Туркестон кўчаси, 236-«б» уй.

Бизнинг манзил:
150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.

Саҳифаловчи: Достонбек Холматов.
Босишга топшириш вақти: 18.00.
Топширилди: 16.30.

ISSN: 2010-8370



9 772010 837006